



ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Хазраткулов Лазизбек Бахриддинович

Жиноят ишлари бўйича Марғилон

шаҳар судининг тергов судьяси

Аннотация: Ушбу мақола Ўзбекистонда соғлиққа қарши жиноятларга қарши қонунчиликнинг тарихий шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини чуқур тадқиқ этади. Тадқиқот қадимги даврлардан бошлаб, мустақил Ўзбекистон давригача бўлган узун даврни қамраб олади ва соғлиққа қарши жиноятлар учун жазо тизимларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилади. Мақолада шарият қоидалари, “Авесто” китобининг ҳуқуқий нормалари, Ислом ҳуқуқи, Амир Темурнинг “Тузуқлар”и, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларидаги суд-жазо тизимлари, Чор Россияси босқинчилиги даври, Совет давридаги қонунчилик ва мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодексидаги соғлиққа қарши жиноятларнинг таснифи батафсил кўриб чиқилади. Жазо тизимларининг ижтимоий-ҳуқуқий асослари, қасос ва дийа тушунчалари, жазоларнинг тарихий эволюцияси ва уларнинг маданий-ижтимоий муҳитга таъсири тадқиқ этилади. Ўзбекистон каби кўп миллатли ва динли давлатларда ушбу омилларнинг аҳамияти, муаммолар ва ечимлари таъкидланади. Давлат сиёсати, таълим, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги орқали тинч жамият қуриш йўллари таклиф қилинади. Глобал ва маҳаллий тажрибалар асосида фуқароларнинг фаол иштироки ва ўзаро ҳурмат муҳимлиги кўрсатилади. Шунингдек, мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган фармонлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва



эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги замонавий ислохотларга тадқиқотнинг қўшаётган ҳиссасини таъкидлайди. Ушбу тадқиқот Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши ва жинойт қонунчилигининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Калит сўзлар: Хавфсизлик, Миллатлараро тотувлик, Диний бағрикенглик, Ижтимоий барқарорлик, Ўзбекистон, Глобаллашув, Таълим, Қонун устуворлиги, Маданий алмашинув

Ўзбекистон тарихида инсон соғлиғига қарши қилинган жинойтлар учун турли жазолар ва бошқа турдаги чоралар қўлланилган, бунда ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари жазоларда ўз аксини топган. Хусусан, шариат қоидалари асосида қўлланилган жазолар бугунги кундаги амалдаги жинойт қонунчилиги билан белгиланган жазолардан кескин фарқ қилган. Ушбу фарқли жиҳатлар ва ўхшаш муносабатларни алоҳида даврларга тақсимлаб ўрганиш мавзунинг моҳиятини тизимли ёритишга имкон беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “давлатимиз хавфсизлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз, ҳар бир фуқаронинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашимиз лозим. Вазиятни издан чиқариш, нифоқ солиш, душманлик уруғини сепиш, турли можароларни келтириб чиқариш ва ҳатто қон тўкилишини истаётган кучлар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас”. Бундай кучларга қарши курашда тарихдан сабоқ чиқариб қарши кураш чораларини кўриш талаб этилади¹.

Тарихий манбалардан маълумки, қадимда давлат раҳбарлари барча қонунга

¹ Мирзиёев Ш.М. “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақил пойдеворидир”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруза. URL: [Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир \(uza.uz\)](https://uza.uz)



хилоф қилмишларни ўзлари кўриб чиқиб, ҳал қилишга ҳаракат қилганлар. Аммо кишиларнинг жамоа бўлиб яшаш ҳаёт тарзи, суд ва маъмурий ваколатлар билан етарли таъминланмаганлиги сабабли, давлат ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларни, шу жумладан соғлиққа қарши жиноят содир этган кишиларни жазолаган. Ҳуқуқбузарликни содир этган шахс мамлакатда ўрнатилган қоидалар асосида жазолаш учун ҳукмдор ёки қозининг ҳузурига келтирилганлар. Қулдорлик тузуми давридаёқ соғлиққа қарши жиноятларни содир қилганлар шавқатсиз жазоланган, масалан қамаб қўйиш, қўлни кесиш ва қул сифатида жабрланувчига топшириш ва ҳоказо. Мазкур қоидалар мамлакатимиз ҳудудида ислом дини кириб келгунига қадар амал қилган.

Миллий давлатчилигимизнинг қарийб уч минг йиллик тарихида ҳам, эҳтимол, бутун инсоният тарихида ҳам илк бор аجدодлар яратган мўъжиза бўлмиш “Авесто” китобидаги: “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” шиори бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, унда бир ҳовуч тупроқ, бир қултум сув, бир нафаслик ҳавонинг қадри ҳақидагина эмас, балки инсоннинг муқаддаслиги ҳақида сўз боради.

“Авесто”да қасддан одам **аъзоларига** тан жароҳати етказилганда айбдорларга турлича квалификация қилинган. Масалан, бировни урмоққа қасд қилиш “оширипта”, бировнинг **боши** устига уришга қасд қилиш “авауйрайшта” дейилган, шунингдек “кимда-ким **ғазаб** билан бировни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи аридуш”, яъни қўлида қурол билан бировни урмоққа қасдланган кишининг гуноҳи кабидир². Демак, зардуштийлик таълимоти бўйича уч тоифадаги соғлиққа шикаст етказиш жинояти таснифланади: инсон аъзоларига (бошдан ташқари), инсон бошига ва ғазаб билан урмоққа қасд қилиш. Ушбу тасниф жазонинг оғир ва енгил бўлишига ҳам таъсир кўрсатган. Масалан, “оширипта” учун жами ўн қамчи уриш жазоси, “авауйрайшта” учун йигирма қамчи, “аридуш” учун ўттиз қамчи уриш жазоси тайинланган. Бундан

² Абулғози Баҳодирхон. Шажараи Турк. –Т., 1992. – Б. 146.



ташқари, “Авесто”да “пишавтану” тушунчаси ҳам қўлланилиб, унга кўра бир неча маротаба соғлиққа шикаст етказган шахсга ўлим жазоси белгиланади, у ўз гуноҳи учун танасини бағишлаган одам маъносини беради ва унда гуноҳлари учун ўлим жазо тайинланадиган шахсни англатади. Шунингдек, “Авесто”да алоҳида жиноятлар ҳақида ҳам гап кетади, жумладан бурнини қонатганлик, умуман қонини оқизганлик ва суякни синдирганлик учун алоҳида жазолар назарда тутилган³.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, қасддан ўзга шахс соғлиғига етказган зарар учун айбдор шахс ўз соғлиғи билан жавоб берган ва бу камчи билан уришда ўз ифодасини топган.

Мусулмонларнинг муқаддас китоби – “Қуръони карим”да Оллоҳнинг бузиб бўлмайдиган қонун чегаралари мавжудлиги таъкидланган. Бу қонун чегаралар деганда, ижтимоий-ҳуқуқий ва оила-рўзғор муносабатларини бузишнинг турли-туман шакллари таъқиқланиши назарда тутилади.

Ислом ҳуқуқида белгиланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жазоларни тўрт асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1) ўхшаш амал билан ўч (қасос) олиш: одам ўлдирганлик учун – ўлдириш, ҳақорат қилганлик учун – ҳақорат қилиш, баданга шикаст етказганлик учун – баданга шикаст етказиш;

2) тўкилган қон эвазига ҳақ ёки жарима (дийа) тўлаш, у одам ўлдириш учун ҳам, баданга шикаст етказиш учун ҳам белгиланиши мумкин;

3) қиёс асосида қонунга биноан белгиланадиган жазо;

4) шариат судьяси (қози) ишни кўриб чиқиб тайинлайдиган жазо⁴.

Қасддан баданга шикаст етказганлик ёки жароҳатлаганлик учун дийа, агар жабрланган одам ва унинг қариндошлари шунга рози бўлса, жазодан (қасос) халос бўлиш учун тўланади.

³ Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Т.: “Адолат”, 2001. – Б. 65-66.

⁴ Шаҳоби Маҳмуд. Адвар фикҳ. Икки жилддан иборат. 2-жилд. – Техрон, 1961 (форс тилида). – 241-247-бетлар.



Эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказиш ёки жароҳатлашда ҳам дийа тўланади, бундай қилмишлар учун бошқа ҳеч қандай жазо назарда тутилмаган. Агар дийани айбодорнинг ўзи тўлай олмаса, етмаган маблағ унинг уруғларидан йиғиб олинади.

Шикаст етказганлик ёки жароҳатлаганлик учун дийани жабрланувчининг ўзи ёки унинг ишончли вакили бу маблағларни унинг манфаатларида тасарруф этиш учун олади. Тўлиқ дийа – юз туя ёки икки юз бош йирик шохли қорамол ёки икки минг қўй ёки минг динор ёки ўн минг дирҳам ёки икки юз кийимлик қимматбаҳо мато.

Қасддан баданга шикаст етказганлик ёки жароҳатлаганлик учун дийа қисқа вақт ичида яхши мол билан тўланади, бу жиноятларни эҳтиётсизлик оқибатида содир этганлик учун дийа 3-5 йил ичида тўланиши мумкин, бунда мол ўзаро келишувга кўра танланади.

Ҳар хил шикаст ва жароҳатлар учун дийа тўлашнинг мураккаб тартиби ишлаб чиқилган. Масалан, қўл ёки оёқ синиши – дийанинг ўндан бир улуши, кўз шикастланиши натижасида кўриш қобилиятини йўқолиши – ярим дийа, тиш синиши – диянинг йигирмадан бир улуши ва ҳоказо.

Дийа миқдори ва шаклини суд белгилайди, лекин тарафлар ишни судга оширмасдан ўзаро келишиб олишлари ҳам мумкин. Айбдор аёл киши бўлса, дийа икки баробар камаяди. Дийа тўламаслик муҳим мажбуриятни бузиш сифатида жазоланади, жиноятчи эса токи дийа тўланмаган ёки уни тўлаш ҳақида келишиб олинмаган экан, диний маросим учун нопок (жунуб) ҳолатида деб ҳисобланади ва бирон-бир диний маросимга қўйилмайди⁵. Дийа тўлаш шакллари маҳаллий шароит, тасаввурлар ва қиймат муодилларига мослашиб ўзгариб боради.

Қасос ёки товон жазо турлари шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар, хусусан, одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятларига нисбатан

⁵ Ислом ҳукуқи: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “ТДЮИ” нашриёти, 2007. – Б. 354-356.



қўлланилган. Бу ҳол шариатда “жиноятга тенг жазо” қонидасига риоя қилиш, деб юритилади. Жумладан, “Қуръони карим”да шундай дейилади: “(Эй мўминлар) сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди...” (“Бақара” сураси, 178-оят). Бундан ташқари, “Қуръони Карим”да эътироф этилишича: “Ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам ўша меъёрда тажовуз қилинг!” (“Бақара” сураси, 194-оят) дейилади. Шунингдек, “Қуръони Карим”да одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш жиноятлари учун “жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш ва жароҳатларга қасос (олинур)” деб белгиланган (“Моида” сураси, 45-оят). Демак, қасос олишда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган айбдорга ўлим жазоси, агар у ёки бу даражада тан жароҳат етказилган бўлса, айбдорнинг ҳам баданига етказилган жароҳат даражасида қасос – тенг жазо қўлланилган⁶.

Буюк давлат арбоби Амир Темури зўравонларга кескин чоралар кўрган. У ўз “Тузуқлари”да шундай деб ёзади: “Яна тажрибамдан кўриб билдимки, давлат агар дину ойн (қоида) асосида қурилмас экан, тўра-тузуққа боғланмас экан, унда салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарки, уни кўрган кимса назарини олиб қочади. Ёхуд кас-нокас тап тортмай кириб чиқаётган тансиз, тўсиғи йўқ уйга ўхшайди”. Амир Темури жабр-зулм ўтказганларни, босқинчиларни ушлаш чораларини кўриш зарурлигини буюрган⁷.

Ўзбекистон ҳудудидаги амирлик ва хонликларида ҳам соғлиққа қарши жиноятлари учун жазолари шариати қонун-қоидалари асосида қўлланилган. Хусусан:

Бухоро амирлигида судлов масалалари “Имоми Аъзам” ҳуқуқ мактаби таълимоти асосида олиб бориладиган шариати кўрсатмасига таянган ҳолда олиб борилган. Ушбу таълимотга асосан суд инстанциялари фақатгина бир босқичда олиб борилган. Айрим муаммоли ишларни кўриб чиқишда маҳаллий қози юқори турувчи

⁶ Утемуратов М. Давлат ва ҳуқуқ тарихида жиноят ва жазо масалалари. Ўқув қўлланма. - Нукус: ҚДУ, 2020. – 114 бет.

⁷ Темур тузуқлари / Х.Кароматов таҳририда. – Т., 1996. – Б. 57.



қозидан фақатгина маслаҳат олиш мақсадида мурожаат этган. Амирликда маҳаллий қозилик идораларига қуйидаги ишлар тааллуқли бўлган: жиноий ишлар – 1) майда безорилик; 2) ҳақоратлаш; 3) тухмат; **4) баданга шикаст етказиш**; 5) ўғрилиқ; 6) уй-жойга ўт қўйиш кабилар.

Бухоро амирлиги давлатчилигининг сўнгги босқичларида жазолар тизими қуйидаги кетма-кетлик тартибида амал қилган: пул жаримаси, қамчи ёки таёқ билан жазолаш, қамоқ, турмага ёки ўрага ташлаш, қуролли кучларга топшириш, умрбод қамоқ жазосига маҳкум этиш, тутқунликка топшириш, ўлим жазоси.

Юқорида эътироф этилган барча жазолар қози томонидан қўлланилган. Жарима ва тан жазолари асосий жазоларга қўшимча жазо сифатида берилган. Ундан ташқари амир ўз ваколат доирасидан келиб чиқиб, “чоройна” (тўрт ойна) жазосини, яъни баданнинг турли қисмига таёқ билан уриш жазосига ҳукм қилиши мумкин бўлган. Қоида бўйича қамчи ёки таёқ билан уриш жазосини ижро этиш жараёнида маҳкумнинг қичқириғи ва овозини чиқармаслиги учун мусиқа ижро этилган. Шахснинг ҳаётидан маҳрум этиш тариқасидаги ҳукмни фақат амирнинг ўзи чиқарган.

Бундан ташқари, Бухорода жазонинг ва жиноятнинг ўзига хос турлари ва ижро этиш усуллари бўлган. Хотин киши кўкрагигача кўмилиб, тошбўрон қилиб ўлдирилган. Агар одам ўлдириш ёки танга жароҳат етказиш жинояти содир этилган бўлса, оталиқ айбдорни ўлдирилган одамнинг қариндошларига тутиб берган. Улар эса айбдорни мусулмон ҳуқуқидаги «тишга тиш» қоидасига кўра қилган бўлса, ярадор, ўлдирилган бўлса, жиноятчини ўлдиришган. Кўриниб турибдики, бу оғир жиноятлар деб ҳисобланиб, улар судсиз, терговсиз ижро этилган. Алоҳида ҳолларда амир бирор-бир жиноятни содир этмаслик учун кўрқув ҳиссини уйғотмоқчи бўлса, “Мир Араб” мадрасаси олдидаги минорадан улоқтириш йўли билан қатл қилишга ҳукм қилинган. Кам аҳамиятли жиноятлар учун айбдорнинг товонига ёки кўкрагига уриш билан чегараланилган. Бухорода калтак билан жазолашнинг кенг



қўлланилишини бу ерга 1836 йил элчи бўлиб келган П.И.Виткевич ҳам таъкидлаб ўтганидек: “Бухорода умуман йўғон калтак билан жазолаш, шу даражадаки, маҳкумнинг суяклари синиб кетади ёки ўлиб қолади”. П.И.Виткевич девордан итариб юбориш жазосининг ҳам бўлганлигини ёзиб, уни ўз кўзи билан кўрганлигини таъкидлаган⁸. Жиноят ва жазо масалаларида маҳаллий ҳукмдорлар фақатгина шариат кўрсатмаларигагина амал қилиб қолмасдан, ўзлари маъқул деб ҳисоблаган жазоларга ҳам, уни ижро этиш усулларига ҳам ҳукм қилганлар. Жазонинг асосий мақсади: қоплаш, ўч олиш, хун ундириш, кўркитишдан иборат бўлган.

Хива хонлигида асосий судлов ишлари қозилик идоралари томонидан амалга оширилган. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, олий шахс хон бўлиб, оғир жиноятларни ўзи кўриб ҳал қилган. Ундан кейинги ўринда Бош судья – қозикалон турган. Хонликдаги барча вилоят, туман касаба, шаҳарларда хон томонидан тайинланган қозилар бўлиб, улар ўз ёрдамчилари – муфтилар ёрдамида мулкчилик билан боғлиқ можораларни ҳал қилиш, майда жиноятларни очиш ва шу каби ишлар билан шуғулланган. Вилоятлардаги жиноятларни кўриб чиқишда маҳаллий ҳокимнинг иштирок этиш ҳуқуқи бор эди. Қишлоқлардаги майда можароларни қишлоқ оқсоқоллари томонидан ҳал қилинади. Айбдорларга нисбатан ўлим жазоси, тана аъзоларини (бармоқ, қўлини) кесиш, калтаклаш, мол-мулкни мусодара қилиш, жарима солиш ва бошқа жазо чоралари тайинланарди.

Қўқон хонлигининг асосий ҳуқуқ манбаи сифатида шариат ҳуқуқи амалда бўлган. Жиноятлар давлатга қарши қаратилган жиноятлар, диний, мулкка, шахсга, оилага қаратилган жиноятларга бўлинган. Жазонинг мақсади келтирилган зарарни қоплаш, ҳамда халқни кўркитишдан иборат бўлган. Жазолар очик ҳолда кўпчилик тўпланган гавжум жойда ижро этилган. Озодликдан маҳрум қилиш зиндонда ўталган.

1865 йилда “Туркистон вилоятини идора қилиш ҳақида вақтинча Низом” қабул

⁸ История государства и права Узбекистана в 3-х томах. Том. 1. Т.Фан. 1960 й.



қилиниб, унга асосан, Туркистондаги барча маъмурий идоралар ва суд Туркистон ҳарбий губернаторига бўйсундирилди. Майда жиноятлардан бошқа барча жиноятлар Чор ҳукуматининг судлари ёки ҳарбий судларда кўрилиб, Чор Россияси жиноят қонунлари асосида ҳал қилиш бошланди. Чор Россияси Марказий Осиёда маълум даражада шариат қонунларини сақлаб қолиш йўли билан, шариат бўйича колониал ҳокимият ва идораларга халқни бўйсундириш учун фойдаланган. 1917 йил Октябр тўнтаришидан кейин ҳам қози ва бий судлари вақтинча сақлаб қолинди. Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлиги Советлар босқини туфайли 1920 йили тугатилди ва Совет давлати таркибига кирувчи Бухоро Халқ Республикаси ва Хоразм Халқ Республикаси ташкил қилинди, Бу давлатларда шариат қонунларига амал қилиш тўхталиб, тўлиғича совет қонунлари жорий қилинди.

1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилиниб, 1926 йил 1 июлдан амалга киритилди. Ушбу Жиноят кодексининг 6-боби “Шахснинг ҳаётига, соғлиғига, озодлигига ва обрўсига қарши қаратилган жиноятлар” деб номланган. Ўзбекистоннинг ушбу Жиноят кодекси 1960 йил 1 январгача амалда бўлди.

1959 йил 21 майда Ўзбекистоннинг янги Жиноят кодекси қабул қилиниб, 1960 йил 1 январдан амалга киритилди. Бу ЖКнинг умумий қисми тўрт бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида жиноят қонуниинг умумий қоидалари, иккинчи бўлими жиноят тўғрисида, учинчи бўлим жазо ҳақида, тўртинчи бўлим жазо тайинлаш ва жазодан озод қилиш тўғрисидаги нормалардан иборат бўлган. Махсус қисми ўн бир бобдан иборат бўлиб, биринчи боб давлатга қарши жиноятлар; иккинчи боб шахснинг ҳаётига, соғлиғига, озодлигига ва кадр-қимматиға қарши жиноятлар ҳисобланган.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши барча соҳа, шу жумладан янги ЖКни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун



тўла шароит яратиб берди. 1994 йил 22 сентябрда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи ЖК қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилди.

2023 йил 1 майдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 26-моддасида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Махсус қисмида “Шахсга қарши жиноятлар” деб номланган 1-бўлими II боби “Соғлиққа қарши жиноятлар” кўрсатилган бўлиб, ушбу бобда баданга етказилган шикастнинг даражасига қараб қуйидаги жиноятлар таснифланган: қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда); қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда); кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-модда); зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (107-модда); ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш (108-модда); қасддан баданга енгил шикаст етказиш (109-модда); қийнаш (110-модда); эҳтиётсизлик орқасидан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (111-модда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сон, 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6041-сон, 2022 йил 28 январдаги 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган



Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-60-сон Фармонлари ва 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4818-сон қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлари рўйхати:

1. Абулғози Баҳодирхон. Шажараи Турк. –Т., 1992. – Б. 146.
2. Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Т.: “Адолат”, 2001. – Б. 65-66.
3. Шаҳоби Маҳмуд. Адвар фикҳ. Икки жилддан иборат. 2-жилд. – Техрон, 1961 (форс тилида). – 241-247-бетлар.
4. Утемуратов М. Давлат ва ҳуқуқ тарихида жиноят ва жазо масалалари. Ўқув қўлланма. - Нукус: ҚДУ, 2020. – 114 бет.
5. Темур тузуклари / Х.Кароматов таҳририда. – Т., 1996. – Б. 57.
6. Ислом ҳуқуқи: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “ТДЮИ” нашриёти, 2007. – Б. 354-356.
7. История государства и права Узбекистана в 3-х томах. Том. 1. Т.Фан. 1960 й.